

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 29 ноябрь, № 253-254 (8596-8597) Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ФАРМАЦЕВТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни фармацевтика ва электротехника саноатида ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда бу икки тармоқ учун ҳам зарур хомашё, етарли шароитлар бор. Хусусан, охирги олти йилда фармацевтика соҳасида ишлаб чиқариш 3 баробар, экспорт 6 баробар кўпайган. 525 миллион долларлик 177 та лойиҳа ишга туширилиб, жами 50 мингта иш ўрни яратилган.

Лекин бу ҳали мавжуд имконият ва талаб даражасида эмас. Масалан, юртимизда йилига 1,6 миллиард долларлик дори-дармон истеъмол қилинади. Бунда маҳаллий маҳсулотларимизнинг улуши бор-йўғи 18 фоиз, қолгани импорт ҳисобидан қопланяпти.

Шу боис йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Сўнгги йилларда бу соҳага катта кўмак ва маблағ берилди, фармацевтика зоналари ташкил этилди. Лекин бундан тўла фойдаланилмаяпти. Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, тадбиркорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотлари харидоргирлигини таъминлаш керак. Бунинг замирида қанча иш ўрни, қанча одамларнинг розилиги бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада хориж тажрибасини ўрганиш, машҳур брендларни мамлакатимизга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди. Жумладан, энг кўп истеъмол қилинадиган 50 турдаги дорини юртимизда ишлаб чиқариш орқали маҳаллийлаштириш улушини 35 фоизга етказиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

"Tashkent Pharma Park" кластери қурилишини жадаллаштириш, унга хусусий шерикни жалб этиш зарурлиги айтилди. Шунингдек, фармацевтика корхоналарига "GMP" халқаро стандартига ўтиш ва маркировкалаш тизимини йўлга қўйишда кўмаклашилади.

Умуман, бу соҳада 1,5 миллиард долларлик 173 та лойиҳа шакллантирилган. Уларни молиялаштириш учун 600 миллион доллар йўналтирилади.

Мутасаддилар буларнинг натижасида 2024 йилда 400 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, 160 миллион доллар экспорт таъминланиши бўйича ахборот берди.

Йиғилишда электротехника саноатига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сўнгги олти йилда бу соҳада 640 миллион долларлик 224 та лойиҳа ишга туширилган. Бу йил якунида экспорт 1 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизга йилига 800 миллион долларлик электротехника товарлари импорт бўлмоқда. Умуман олганда, минтақамизда 3 миллиард долларлик бозор бор.

Бунда муносиб ўрин эгаллаш учун нуфузли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Келгуси йилга мўлжалланган 2 миллиард долларлик 141 та лойиҳада бунга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилда 2 гигаватт, 2024 йилда яна 4 гигаватт қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади. Уларга жуда кўп кабель, генератор, инвертор, трансформаторлар зарур. Бу маҳсулотларни маҳаллийлаштириб, халқаро сифат сертификатлари олиш вазифаси қўйилди.

Соҳада илғор технология, инновация ва халқаро стандартларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Мутасаддилар келгуси йилда ишлаб чиқаришни 20 фоизга ошириш, мисни қайта ишлаш ҳажмини 140 минг тоннага олиб чиқиш режаларини баён этди. Шунингдек, экспортни 1,5 миллиард долларга, 2025 йилда 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Йиғилишда ушбу тармоқлардаги муаммо ва вазифалар юзасидан вилоят ҳокимлари ва тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

**ЎзА.**

Халқаро конференция

## ДЕМОГРАФИК БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЮЗАСИДАН ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛМОҚДА

*Кеча Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати томонидан БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (ЮНФПА) ваколатхонаси, "Оила ва хотин-қизлар" илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро конференция ўз ишини бошлади.*

Икки кунлик анжуман ишида БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси раҳбарлари, ЮНИСЕФ жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳолишунослик ва тараққиёт бўйича парламент аъзоларининг Осиё форуми каби халқаро ташкилотлар вакиллари, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, қарийб 20 давлатдан 40 дан ортиқ парламент ва ҳукумат аъзолари иштирок этмоқда.

Халқаро конференцияда "Демографик ўзгаришлар шароитида жамиятни барқарор ривожлантириш: миллий ва хорижий тажриба" масаласи батафсил кўрилмоқда.

Анжуманнинг асосий мақсади ҳам демографик ўзгаришлар оқибатида таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат бозори, урбанизация соҳаларида юзага келадиган муаммолар ва уларнинг оқилона ечими ҳақида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Шунингдек, конференцияда муваффақиятли стратегиялар ва ечимлар намойиш этилмоқда, инклюзив ва далилларга асосланган самарали ечимлар ишлаб чиқиш бўйича тажриба алмашилмоқда.

Халқаро конференцияни Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева кириш сўзи билан очар экан, анжуман кун тартибидаги барча масала долзарб эканини қайд этди. Бу масалалар нафақат Ўзбекистон, балки барча мамлакат учун ҳам муҳимлигини, айрим давлатлар аҳолиси ўсиши, баъзиларида аҳоли қисқариб бориши нуқтаи назаридан тегишли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда тобора ўсиб бораётган аҳоли учун ҳам иқтисодий имкониятлар яратиш, ҳам ижтимоий ҳимоя кафолатини таъминлаш борасидаги ишлар давлат томонидан изчил олиб борилмоқда.

5

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ташқи сиёсати тамомила янги поғонага кўтарилгани, хусусан, яқинда Франция пойтахтида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессиясида навбатдаги 43-сессияни 2025 йилда Самарқандда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингани ўзбек дипломатиясининг навбатдаги ютуғи сифатида эътироф этилди.*

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури — СПЕКА саммитидаги нутқи мазмун-моҳияти, унда минтақавий ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича илгари сурилган қатор амалий ташаббусларнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг депутатлар фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Қизғин муҳокамалар жараёнида конструктив фикрлар билдирилди, асосли таклифлар илгари сурилди.

5

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ АСОСИЙ ҚОНУНИ – ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ




*Кейинги йилларда Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар фидойи халқимизнинг саъй-ҳаракатлари билан жадал тус олди. Буни барча соҳадаги, ҳар бир ҳудуддаги янгиланишлару салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шундай шароитда тегишли ҳуқуқий асос, жумладан, Конституциямизни ислоҳотлар суръатига мослаштиришни ҳаётнинг ўзи кун тартибига олиб чиқди.*

Зеро, Конституция — догма эмас, у ҳам замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб борилади. Дунё бўйича олиб қарайдиган бўлсак, охирги 30 йилда 90 га яқин давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилиб, уларнинг 53 тасида янги Конституция қабул қилинган. Бу жараён бизга ҳам таниш. Истиқлол йилларида Бош қомусимизга 16 маротаба турли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хўш, охирги конституциявий ислоҳотлар аввалгиларидан нимаси билан ажралиб туради?

Бу саволга лўнда қилиб, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси — халқ хоҳиш-иродасининг ёркин ифодаси эканлиги билан ажралиб туради, деб жавоб бериш мумкин.

5

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

## ҲАЁТ ФАВВОРАЛАРИ



*Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи...*

*Кунлар нур тезлигида ўтмоқда. Икки кунлик ташриф қанчадан-қанча юмушни адо этишга имкон берди. Ўйлаб, ҳайратга тушасиз. Ҳар сония неча кунга тенг бўлди. Барчаси халқ учун, инсон учун, фаровон ҳаёт учун! "Юзни кўрмоқ қийин боқиб яқиндан, Ҳар нарса йироқдан кўринар аён", дейди шоир. Ташрифдан сўнг неча кунлаб вақт ўтди. Ҳамон ҳаяжон ила бошни чайқаяпмиз. Лол қолганимиздан бари.*

Ташриф давомида қилинган ишлар, илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар, тамал тоши қўйилган лойиҳалар, очилган янги корхоналар — барчасининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида фикр юритсангиз, китоб ёзсангиз бўлади. Айниқса, Тўполанг сув омборидан обиҳаётни аҳоли манзилларига етказиш лойиҳасининг ҳаётга кўчгани... Эҳ-ҳе, сувнинг тўртта туманга нурдай таралиб келганлиги. Ҳазил гап эмас. Ҳаётнинг бугунги афсонаси бу. Афсоналар ҳақиқати бу. Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлиб қолмайди.

Атоқли шоир Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, "Тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт — бир афсона".

Президентимиз ташриф чоғидаги суҳбатларида айтиб ўтди: Бош вазир бўлган пайтларида Тўполанг сув омборига келади. Чайқалиб турган сувни кўради. Сувмисан сув — ҳар қандай киши боқиб ҳаваcланади. Тиниқлиги, ширинлиги, шифолиги... таърифга сиғмайди. Ҳатто "Алпомиш"ни яратган бахши ҳам бундай жаннатий табиат неъматини кўриб, сўз тополмайди. Умрида кўрмаган бундай мўъжиза сувни. Шунда "Бу сув Сурхондарё далаларига, экинларига боряпти. Лекин Сурхондарёда 2 миллиондан ошиқ одамларнинг уйида ичадиган тоза суви йўқ. Тўполангнинг тоғ сувини, пок сувини хонадонларга, азиз инсонларимизнинг уйларига қувурларда тоза, пок ҳолда етказамиз..." деган. Бу гапларга 10 йил бўлди. Кўп одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетди.

6

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими шакллантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 25 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 30 сентябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни қуришда муҳим шарт ҳисобланадиган самарали бошқарув тизимини яратишга қаратилган кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди.

Янги Ўзбекистоннинг маъмурий ислоҳотлари доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари алоҳида вазирликларга айлантирилди ёки бошқа вазирликлар таркибига киритилди. Натижада вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларни ўзига қамраб олган республика ижро этувчи ҳокимият органлари тизими шакллантирилди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига «Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари» деган тушунча Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан чиқариб ташланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг биринчи босқичи амалга оширилишини таъминлашга, шунингдек профессионал бошқарув принципларига асосланган ва натижага йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»**ги 417–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 6, 574-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 22 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 28 октябрда маъқулланган

Мамлакатимизда қўриқлаш фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматларини кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадларида «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш асослари ҳамда қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўриқлаш фаолияти соҳасига доир айрим тушунчалар турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш зарурияти мавжуд.

Мазкур Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим нормаларини «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун қўриқлаш фаолияти соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ ва бир хил қўлланилишига хизмат қилади.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими шакллантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»**ги 616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда) 4-моддаси биринчи қисми **4-бандининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Мудофаа тўғрисида»**ги 641–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган 211–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 80-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **11-модда иккинчи қисмининг**:

**учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **13-модданинг**:

**номидаги** «**давлат қўмиталари**» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**Биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модда биринчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг» деган сўзлар «вазирликлар ва идораларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **20-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади»;

3) **22-модда биринчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи хатбошисидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг» деган сўзлар «вазирликлар ва идораларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **24-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда, № 11, 1065-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги 846–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 577-модда) **13-моддасининг 2-бандидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–XII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда; 2021 йил, № 4, 293-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **13-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **59-модданинг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **74-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **80-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **82-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Ветеринария тўғрисида»**ги 935–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–397-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 453-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **14-моддасининг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1038–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 113-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1040–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Мустақиллик» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1042–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Дўстлик» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 117-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1046–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Шуҳрат» медали тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 121-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5,126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар) **$198^3$-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмнинг диспозициясидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган 115–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Меҳнат шуҳрати» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 190-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги 154–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда) **22-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда) **18-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**биринчи қисмдаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмдаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279–I-сонли Қонуни** (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–404-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 124-модда; 2021 йил, № 1, 7-модда, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) **23-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 412–I-сонли Қонунига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 118-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 423-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда; 2020 йил, № 7, 448-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **12-модда**:

**иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Давлат божхона хизмати тўғрисида»**ги 472–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 82-модда) **13-моддасининг саккизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги 818–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–348-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 94-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **6-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 577-модда) **30-моддасининг иккинчи қисмидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган **«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»**ги 167–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **9-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **14-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган **«Давлат кадастрлари тўғрисида»**ги 171–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 19-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модда иккинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **12-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **14-модданинг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**24-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган **«Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 215–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) **10-моддасининг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**25-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7,431-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 491-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 9, 905-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг ўн биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **10-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **11-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **12-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **14-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **15-модданинг олтинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **16-модданинг**:

**Еттинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўнинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **24-модданинг тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **26-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **27-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **29-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **44-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **49-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **50-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**26-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»**ги 478–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 65-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 8, 491-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими шакллантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

2) **14-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**27-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»**ги 660–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда; 2009 йил, № 4, 139-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **9-модданинг ўнинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **10-модданинг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**28-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»**ги 712–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 214-модда, № 4, 337-модда) **21-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**29-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган **«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»**ги ЎРҚ–60-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 5, 261-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**2-бандидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**4-бандидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «Аппарати таркибий бўлинмаларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **11-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–155-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **37-моддаси биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситаси ҳайдовчиси ўз ёнида суғурта полисини олиб юриши ва уни текшириш учун қонунчиликка мувофиқ бунга ваколатли бўлган давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига кўрсатиши шарт, бундан ҳайдовчининг ёнида Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари ёхуд консуллик муассасалари томонидан берилган биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси мавжуд бўлган ҳоллар мустасно».

**31-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган **«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–174-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 9, 480-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **7-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнда қабул қилинган **«Архив иши тўғрисида»**ги ЎРҚ–252-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 233-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **23-модданинг**:

**учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**33-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»**ги ЎРҚ–276-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 6, 575-модда) **11-моддасининг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **26-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **36-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **44-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **62-модданинг**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **66-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **67-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **70-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **71-модда биринчи қисми 4-бандининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **82-модда**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **84-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **90-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **92-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) 1**05-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**35-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–369-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 127-модда; 2017 йил № 9, 510-модда; 2019 йил, № 8, 470-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **5-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарларнинг етказиб берилиши ҳақида, вазирликлар ва идораларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши тўғрисида, шунингдек харажатлар иқтисодий таснифининг моддалари кесимида маблағларнинг сарфланиши ҳақида вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириладиган тегишли ахборот».

**36-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августда қабул қилинган **«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–393-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 314-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, № 4, 290-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 11, 1061-модда) **12-моддаси биринчи қисмининг «ж» кичик бандидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**37-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрда қабул қилинган **«Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»**ги ЎРҚ–443-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 507-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модда**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **8-модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **11-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **14-модда**:

**биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**38-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган ЎРҚ–458-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 3-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **17-банднинг иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **21-банддаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **25-банднинг биринчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**39-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803 моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 269-модда) **178-моддасининг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**40-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлда қабул қилинган **«Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–489-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 434-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **12-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**41-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январда қабул қилинган ЎРҚ–517-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 6-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда) **15-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**42-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»**ги ЎРҚ–518-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 43-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **4-моддасининг саккизинчи хатбошисидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**43-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган **«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»**ги ЎРҚ–537-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 262-модда; 2021 йил, № 1, 16-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) **12-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**44-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова, № 6, 518-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 574-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда) **14-моддасининг йигирма биринчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**45-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–546-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 384-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 12, 1198-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **30-модданинг ўн еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **33-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**46-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлда қабул қилинган **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–547-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 385-модда; 2021 йил,4-сонга илова) **34-моддасининг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**47-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлда қабул қилинган **«Туризм тўғрисида»**ги ЎРҚ–549-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 387-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модда тўртинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **35-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**48-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Касаба уюшмалари тўғрисида»**ги ЎРҚ–588-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 882-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **49-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**иккинчи қисмдаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмдаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**49-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган **«Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»**ги ЎРҚ–604-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 2, 106-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) **5-моддасининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**50-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–610-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 201-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 523-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **30-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **31-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **38-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **56-модданинг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**51-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган **«Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–611-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 202-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда) 17-моддасига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

**номидаги «давлат қўмиталарининг»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**матндаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**52-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Таълим тўғрисида»**ги ЎРҚ–637-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **30-модда**:

**бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **32-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **34-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **58-модданинг саккизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари»деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **73-модданинг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**53-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **75-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **77-модда**:

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**54-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»**ги ЎРҚ–647-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **26-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **44-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**55-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган ЎРҚ–676-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирликлар ва идоралар бир вазирлик ва идора доирасида қўлланилиши мумкин бўлган идоравий қурилиш нормаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқиши, тасдиқлаши, қайта кўриб чиқиши ёки бекор қилиши мумкин»;

2) **18-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **20-модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **23-модданинг биринчи қисмидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг» деган сўзлар «вазирликлар ва идораларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **27-модда иккинчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **45-модда**:

**иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **76-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**саккизинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими шакллантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

**учинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**56-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **27-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**57-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–682-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **6-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **7-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **14-модданинг**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарорлар идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиал органлари томонидан амалга ошириладиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин»;

**олтинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **15-модданинг**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик ёки идора қайта номланган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта номланишига оид қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги номни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши қайта номланган вазирликка ёки идорага нисбатан тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади»;

**тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **18-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил мақомдаги бошқа вазирлик ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади»;

7) **22-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **24-модданинг олтинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **27-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **28-модданинг**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **30-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **36-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **37-модданинг**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **38-модданинг тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **39-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **45-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) **48-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **49-модда биринчи қисмининг**:

**учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) **51-модда**:

**номидаги «давлат қўмиталари»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **илованинг 53-бандидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**58-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–701-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда) **6-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**59-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган **«Фавқулодда ҳолат тўғрисида»**ги ЎРҚ–737-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 12, 1195-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда) **16-моддасининг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**60-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 январда қабул қилинган **«Гидрометеорология фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–745-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 1, 3-модда) **21-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталарига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**61-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган **«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–763-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **29-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **172-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **173-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **174-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **175-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**62-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда қабул қилинган **«Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»**ги ЎРҚ–788-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 789-модда) **7-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**63-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августда қабул қилинган **«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–790-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 791-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **33-модда биринчи қисмининг**:

**учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**64-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда) **39-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**65-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралда қабул қилинган **«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–819-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 2, 106-модда) **9-моддаси иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**66-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган **«Давлат қарзи тўғрисида»**ги ЎРҚ–836-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 4, 272-модда) **40-моддасининг олтинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**67-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**68-модда**. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**69-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 ноябрь
№ ЎРҚ—880

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда, № 10, 979, 982-моддалар) **37-моддаси биринчи қисми «в» бандининг ўзбекча матнидаги** «соқчиликдаги» деган сўз «қўриқлашдаги» деган сўз билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **250-модда:**

**Учинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи ва унинг ўринбосари, ёнғиннинг олдини олиш бўйича отряд (команда, ўт ўчириш поезди) бошлиғи ва унинг ўринбосари, катта йўриқчи ва йўриқчи, команданинг, ўт ўчириш поезди командасининг, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш командасининг (қоровул) бошлиғи»;

**тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «соқчиликнинг бўлинмаси» деган сўзлар «қўриқлаш бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **252-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳарбийлаштирилган идоравий соқчилигининг» деган сўзлар «идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **284-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимлари ёки ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаси ишчилари ва хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарликка барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органига, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмасининг хизмат биносига ёки ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин»;

4) **287-модданинг 3-бандидаги** «ҳарбий соқчиликнинг» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **289-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «ҳарбий соқчилик» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «ҳарбий соқчилик» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **291-модда биринчи қисмининг** «ж» бандидаги «ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) **28-моддасининг иккинчи қисмидаги** «соқчилик бўлинмалари» деган сўзлар «қўриқлаш бўлинмалари ишчилари ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 ноябрь
№ ЎРҚ—881

## ДЕМОГРАФИК БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЮЗАСИДАН ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛМОҚДА

← 1

Шу мақсадда Ўзбекистонда кейинги йиллардаги ислоҳотлар доирасида "Инсон қадри учун" деган тамойил асосида мақсадли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ижрочи директори Наталия Канем видеомурожаатида кўрилаётган масалалар, улардан келиб чиқадиган хулосалар Ўзбекистонда олиб борилаётган демографик барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилишини алоҳида айтиб ўтди.

Анжуман иши "Демографик барқарорлик ва барқарор ривожланиш: чақириқлар ва имкониятлар", "Демографик барқарорлик ва инсон капитали: ўзгаришларга мослашиш ва имкониятлардан фойдаланиш" ҳамда "Ўзбекистонда соғлом ва узоқ умр кўриш ўн йиллиги" мавзуларидаги учта сессия доирасида ташкил этилмоқда.

Биринчи сессия давомида демографик барқарор ривожланиш учун иқтисодий имкониятлар яратиш, хусусан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича энг яхши амалиёт муҳокама қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида демографик ўзгаришлар шароитида инсон капиталини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ислоҳотларни изчил давом эттириш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Конференция бугун ўз ишини давом эттиради.

**«Халқ сўзи».**

Учрашув

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

*Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Европа парламенти депутати, Ўзбекистон бўйича маърузачиси Илхан Кючюкни қабул қилди.*

Маълумки, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида барча соҳада ўзаро манфаатли кўп қиррали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Барча даражада мулоқотлар изчил давом эттирилмоқда. Иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш бўйича қатор келишувларга эришилган ҳамда ушбу йўналишларда муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Европа томонидан тақдим этилган "GSP+" тартиби туфайли ўзаро савдо ҳажми жадал ортиб бормоқда.

Европа парламенти депутати мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади. Айни чоғда у Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, фаровонликка эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлади.

Қолаверса, икки томонлама парламентлараро алоқалар жадал суръатда ривожланаётгани ижобий баҳоланди.

Мамлакатда парламентлараро шерикликнинг мавжуд механизмларидан, хусусан, "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитасидан фаол фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ва Европа парламенти ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ АСОСИЙ ҚОНУНИ – ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

← 1

Бу таъриф шу пайтга қадар кўп бор таъкидланган, ҳатто хорижликлар томонидан эътироф этилган бўлса-да, қатор далилларни келтирмоқчимиз.

Аввало, референдумга тақдим қилинган Конституция лойиҳаси матнини бир гуруҳ олиму мутахассислар ишлаб чиқмаган. Тўғри, лойиҳа сифатида шакллантиришда заҳматкаш олимларимиз ва мутахассисларнинг хизматлари чексиз. Лекин у умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилганидан кейин халқнинг, умуман, кенг жамоатчиликнинг таклифлари ва фикрлари асосида маромига етказилди, таъбир жоиз бўлса, бойитилди.

Конституциямизнинг барча бўлим, боб ва моддалари комплекс тарзда эксперт ва мутахассислар, айниқса, халқимиз томонидан қизғин муҳокама қилиниб, зарур ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Шу тариқа қарийб бир йил давомида конституциявий ислоҳотлар амалга оширилиб, янгиланаётган Бош қомусимиз лойиҳаси такомиллаштирилди. Шу ўринда ушбу рақамларга эътибор қаратишингизни истардик. Маълумотларга кўра, Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган дастлабки даврда 150 минг, кейинчалик муҳокама жараёни давом эттирилиши ҳисобига 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушган.

Эътиборлиси шундаки, муҳокамалар жараёнида эртамиз эгалари бўлган ёш авлод вакиллари ниҳоятда фаоллик кўрсатди. Буни ушбу сиёсий жараёнда ёшларимиз томонидан билдирилган таклифлар жами таклифларнинг 70 фоизини ташкил этганлиги ҳам тасдиқлайди.

Асосий Қонунимиз халқ хоҳиш-иродаси ифодаси эканининг яна бир далили сифатида Конституция юртимиз тарихида илк бор референдум орқали қабул қилинганини келтириш мумкин.



Маълумки, шу пайтга қадар амалдаги Конституциямизга 16 маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, парламент томонидан қабул қилинган эди. Бу сафар Бош қомусимиз бевосита фуқаролар таклифлари асосида ишлаб чиқилиб, халқимиз томонидан референдум йўли орқали кўпчилик овоз билан маъқулланди.

Шу ўринда бироз ортга чекиниб, Президентимиз лавозимга киришиш маросимидаги нутқи ҳамда Конституциямизнинг 29 йиллигига бағишланган байрам табригида халқимиз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш таклифини илгари сурганини ёдга олмоқчимиз.

Олий Мажлис палаталари Кенгашлари қўшма мажлисида бу ташаббус қўллаб-қувватланиб, Конституциявий комиссия тузилди ҳамда юртимизда муҳим конституциявий ислоҳотларга киришилди. Бу комиссияга Ўзбекистон Конституциясига ўзгартириш киритиш бўйича вазифалар юклатилди. Яъни бу борадаги таклифларни тўплаш ва умумлаштириш, якунда эса "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш топширилди.

Айтиш жоизки, сенаторларимиз ҳам нафақат комиссия таркибида, балки жойларда кўплаб учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали шу жараёнда фаол қатнашди. Бевосита аҳоли билан олиб борилган мулоқотлар давомида юртдошларимиз томонидан ҳудудларни ривожлантиришга, у ерда яшаётган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган кўплаб таклифлар билдирилганлигига гувоҳ бўлдик.

Қисқа вақт ичида Конституциявий комиссия томонидан улкан ишлар рўёбга чиқарилди. Яна такрор бўлса-да, айтамизки, таклифларнинг аксарияти халқимиз, оддий одамлар томонидан билдирилди, муҳими, ана шу таклиф ва фикрларнинг кўплари Конституциямиздан ўрин олди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиздаги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг моҳиятига Президентимиз томонидан илгари сурилган "инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак", деган тамойил мазмуни сингдирилган бўлиб, бу бутун халқимизнинг дилидаги муддаодир.

Умуман олганда, янги Ўзбекистоннинг Бош қомуси чинакамига халқ Конституцияси бўлиб, у билан яқиндан танишган ҳар қандай кишининг бунга иқрор бўлиши, шубҳасиз.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

Сенат қўмитасида

## Ноқонуний олтин изловчилар йилдан-йилга кўпаймоқда

*Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида ер қаъри участкаларида олтин изловчилар усулида қимматбаҳо металларни қазиб олишда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси масъул раҳбар ходимлари ахборотлари эшитилди. Шунингдек, қўмита томонидан мазкур соҳада ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.*

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида қимматбаҳо металларни носаноат усулда қазиб олиш билан шуғулланишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Хусусан, Президентнинг 2018 йил 26 ноябрдаги "Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2019 — 2023 йилларда бу борадаги фаолият учун "Е-аукцион" орқали 270 та объектга рухсатнома берилган.

Ўз навбатида, олиб борилган ўрганиш, аҳоли билан бевосита мулоқот, қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили соҳада қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Масалан, олтин ва қимматбаҳо металларни қонуний қазиб олиш афзалликлари юзасидан ваколатли органлар томонидан тарғибот ишлари етарли даражада йўлга қўйилмагани боис Тошкент, Наманган, Жиззах, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида аҳоли томонидан очиқ майдонларда олтин ва қимматбаҳо металларни ноқонуний қазиш ҳолатлари йилдан-йилга кўпаймоқда.

2020 йилда шу каби ҳолатлар юзасидан 34 та маъмурий иш қўзғатилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 463 тани, 2022 йилда қарийб 1500 тани ташкил қилган.

Очиқ майдонларда қазиб олиш ишлари жараёнида хавфсизлик талабига риоя этилмагани оқибатида 2021-2022 ва 2023 йилнинг 10 ойида қарийб 30 нафар фуқаро ис газидан ёки қум ва тош босиб қолиб, вафот этган.

Шу билан бирга, таркибида олтин ва қимматбаҳо металлар бўлган рудаларни ноқонуний қазиб олиш билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 702-моддаси билан қўлланиладиган жарима миқдори кам белгилангани ҳам қонунбузилиш ҳолатлари айнан такрор содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, захирага олинган шахта ва карьерлар атрофи ўраб олиниб, қўриқланиши таъминланмаган.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг ҳудудий экспедициялари томонидан шахта ва штольняларни лойиҳа бўйича иш тугатилгандан сўнг тўлиқ ёпиш чоралари кўрилмаган, бу мазкур ҳудудларда айрим фуқароларга ноқонуний қазиб олиш ишларини олиб боришга шароит яратмоқда.

Маъданли тошлар таркибида қимматбаҳо металлар миқдорини аниқлаш юзасидан экспертиза ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Муҳокамалардан сўнг қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мутасадди вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда соҳадаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилди.

Тадбир якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ



← 1

### Қандай ҳолатларда объектлар фаолияти чекланади?

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ қурилиш, ишлаб чиқариш ва урбанизация кўламининг кенгайиши атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, атроф табиий муҳитнинг нормативдан ортиқ даражада ифлосланишининг олдини олиш мақсадида табиатга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш ва тўхтатиб қўйиш мезонларини қайта кўриб чиқиш муҳим.

Мажлисда муҳокама қилинган қонун лойиҳаси билан эса қонун ҳужжатларига атроф табиий муҳитни нормативдан ортиқ даражада ифлослантирувчи корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклашни ҳамда тўхтатиб туришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда экологик ҳолатни янада яхшилаш, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф юзага келишининг олдини олиш, шунингдек, ваколатли давлат органларининг ушбу йўналишдаги масъулиятини ошириш имконини беради.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### Дронлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик либераллаштирилмоқда

Депутатлар "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Мамлакатимизда туризм соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар туристик инфратузилманинг ривожланиши ва яхшиланишига, туристлар учун қўшимча қулайликлар яратилишига, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ошишига кўмак бермоқда. Шу билан бирга, барқарор туризм ривожини тобора жадаллаштириш мамлакатнинг туристик жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар бартараф этилишини талаб қилади.

Қайд этиб ўтилганидек, учувчисиз учадиган аппаратлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши чекланган товарлар қаторига киради. Уларни республика ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш, шунингдек, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 20-моддасига мувофиқ, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга республика ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланишни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнига маъмурий жавобгарликни белгиловчи, шунингдек, ушбу ҳуқуқбузарликларни такрор содир этганлик учун жиноий жавобгарлик жазо чораларини енгиллаштирувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш назарда тутилмоқда.

Киритилаётган нормалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, мамлакатимизга чет эллик туристларнинг кенг жалб этилиши учун қулай шароитларни таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Энди пенсияларнинг энг кам миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмайди

Мажлисда фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида инсон омилини камайтириш, кекса ёшдаги шахсларга давлат хизмати кўрсатилиши сифатини янада оширишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини, айниқса, кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

Яъни пенсияларнинг энг кам миқдори белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлмаслиги кўзда тутилмоқда. Шунингдек, фуқароларга Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали пенсия тайинлаш учун мурожаат қилиш ҳуқуқини яратиш белгиланмоқда. Мазкур имкониятлар билан йилига 300 минг нафар фуқарога уйидан чиқмаган ҳолда, онлайн ёки ўзига қулай бўлган Давлат хизматлари марказлари орқали пенсия тайинланиши учун мурожаат қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, Пенсия жамғармаси томонидан Халқ банкига ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган фуқаронинг пенсионерлиги ҳақидаги маълумотлар асосида унга жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги тўловларини олиш ҳуқуқини яратиш кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолининг электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга, шунингдек, ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали пенсия тайинланган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ўзларининг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида йиғилган маблағларини олишлари бўйича қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича асосли таклифлар илгари сурилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Экологик вазият яхшиланади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шунга қарамай корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар томонидан атроф табиий муҳитга, жумладан, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг нормадан ортиқ даражада ташланиши атроф табиий муҳит ифлосланишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатяпти.

Қайд этилганидек, қонун ҳужжатларида атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш назарда тутилган. Бироқ ушбу ҳолатда "бошқа реал хавф" жумласи умумий тушунча бўлиб, амалиётда турлича талқин қилинишига олиб келмоқда.

Депутатлар ташаббусига кўра ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга "бошқа реал хавф" жумласини амалиётда қўллашнинг аниқ механизмларини белгилаб беришга қаратилган ўзгартириш киритилмоқда.

Ташаббускорларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши экологик вазиятни яхшилашга, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф юзага келишининг олдини олишга, коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда ваколатли давлат органларининг ушбу йўналишдаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилади

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизғин мунозара ва тортишувларга сабаб бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Жумладан, транспорт воситасини мастлик ҳолатда бошқариш билан ҳайдовчи ўзининг ҳаракатини англай олмаслиги оқибатида оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

Айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига беписандлик билан қараш, транспорт бошқариш маданиятига риоя қилмаслик, йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига нисбатан ҳурматсизлик, транспорт воситасини кескин бошқариш ҳамда бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган "агрессив бошқариш" ҳолатлари кўпаймоқда.

Қонун лойиҳаси билан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, кўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахс томонидан транспорт воситасини такроран бошқаргани учун жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, транспорт воситаси ҳайдовчилари томонидан доимий равишда қоидабузарлик содир этганлик учун жарима балларини ҳисоблаш тизимини жорий қилиш белгиланяпти. Яъни ушбу норма билан ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда охирги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибини жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Мазкур тартибга мувофиқ, ҳайдовчи бир йил давомида йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этиш йўли билан белгиланган миқдордаги жарима балларини тўплаган тақдирда унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўшимча жазо сифатида қўлланиши белгиланмоқда.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг судлар томонидан қўлланишини инобатга олиб, Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлик учун маъмурий жазо чорасини жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўллаш тартиби таклиф қилинмоқда.

Бундан ташқари, сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ишлайдиган транспорт воситалари билан боғлиқ ҳодисалар бўйича алоҳида моддаларда маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида ҳуқуқбузарлик содир этилиши маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши белгиланяпти.

Мажлисда депутатлар томонидан мунозарали саволлар ўртага ташланди. Мисол учун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддаси биринчи қисмида санаб ўтилган зарур ҳужжатлар ҳайдовчиларнинг ёнида бўлмагани учун белгиланган жазо чорасига қўшимча равишда балл белгиланиши депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди. Узоқ тортишувлардан сўнг, депутатларнинг бу борадаги асосли фикрлари инобатга олинди.

Мазкур қонун лойиҳаси йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишини таъминлаш ҳамда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# ҲАЁТ ФАВВОРАЛАРИ

1
Орзуқул бобо Соатов, сенатор. Ёши 80 дан ошди:

— Тўполангнинг суви Шўрчи, Қумқўрғон, Термиздаги хонадонларга қувурларда тортилади, деб эшитиб, ҳайрон қолганмиз. Ўша йиллари бу хаёлимизга ҳам сиғмас эди. Қандай қилиб боради? Шунча йўлдан-а?! Ў-ҳу, бунга катта фикр, катта донишмандлик керак. Маблағ-чи? Эшитганларнинг оғзи очилиб қоладиган шунча маблағ қаердан топилади? Рости, мен ҳам ишонмаганман. У пайтда ҳеч ишонолмасдингиз. Бироқ Шавкат Мирзиёев шуни тафаккурига сиғдиролган. Донишмандлик эмасми бу?! Узоқни кўра билиш эмасми бу?!

Амир Темур бобомизнинг гапи бор: "Куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг". Бугунги ишларни назардан ўтказсак, ана шу фикр хаёлимиздан ўтади. Кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Фарҳод тоғни ёриб, тошларни тилиб, халққа сув олиб боргани каби Тўполангнинг суви, саноқли ойлар ичида, десам, муболаға эмас, тўрт туманга етиб боргани ҳам қалбимизни қувончга, ғурур-ифтихорга тўлдирди.



Орзуқул бобо бир вақтлар эртакдек эшитилган орзуларнинг бугун ҳақиқатга айланганини айтади. Шундай пайтда руҳиятингиз нажиб тўлқинланади. Ҳаётда қандай-қандай мўъжизалар бор-а?! Биз унинг қошидамиз. Тикиламиз-у дунёга сиғмаймиз. Бир нурли даврда яшаяпмиз. Тоғнинг суви "Кўкрагида тоғ кўтарган, Танти деҳқон ўзбегим"нинг (Эркин Воҳидов) уйига етиб, ҳаётини тоғлантиряпти. Президентимиз деҳқоннинг қошига бориб "Сиз ҳазрати деҳқонсиз, азиз инсонсиз, тоғ сувини ичмоққа муносибсиз", деяпти гўё.

Мен учун тоғ суви оддийгина, шунчаки сув эмас, у оппоқ қор ҳолида осмондан тушади. Қорнинг оқлигида илоҳийлик бордай. Ёғаётган қорлар, ёмғирлар ҳаётни ҳаёт қилиб туради. Чўққилардаги оппоқ қорлар қуёш нурида эрийди. Нурлар ёруғлигини қалбига олади. Эриб, сизиб, тоғнинг юрагига боради. Тоғнинг улуғлигини, минг хил маъданларнинг шифою малҳамлигини сув жонига сингдиради.

Ана шундай тоғнинг юрагидан қайнаб чиқаётган сувни бугун Президентимиз юрагида... юракларида тутиб, халқнинг юрагига узатяпти. Тоғ суви тоғдай юракларни бир-бирига боғлаётир. Қаранг, халқнинг юраги шодликда ҳапқиряпти. Қувончлар фавворалар бўлиб гуллаяпти.

...Сариосиё тумани Боғистон маҳалласида ушбу лойиҳанинг биринчи босқичини ишга тушириш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, обиҳаёт йўлини очди. Мазкур босқичда сув Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларига етиб борди. Фаввора бўлиб отилди. Вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 70 фоизга етди.

Ҳаяжонда боқаман: Президентимиз гўё қўллари билан обиҳаётни Сурхондарё халқига узатади. Чеҳраларида ёруғлик... Туманларда фавворалар отилди. Минглаб юраклар фаввораларга айланди. Кўзимизда севинч ёшлари. "Эй, Сурхондарём, ҳаётингда қандай нурли кунлар-а?! Бир улуғ давру давронлар-а?!"

Ҳамма ҳам бу қувончни англайвермайди. Айниқса, Сурхондарёнинг 50 — 70 даража иссиғида юзлари қорайган, узоқдан ариқ сувини ташийвериб чарчаган, ҳорғин термулган, бугун фаввора сувини кўриб, севинч кўз ёшлари фаввbooрада акс этаётган оддий, самимий, кўнгли тоғ сувидай тоза қизларининг бахтини ҳис қилавермайди.

Эй, меҳнатдан бахт топган сингилларим, тоғдан сув келди! Президентимиз обиҳаёт олиб келди! Бу улуғ иш фаровон ҳаёт, ёруғ умидлар ва эртанги кунга ишонч бахш этади.

Тоғ суви шунчаки сув эмас. Мўъжизаи нур бу...

Биласизми моҳият нимада?

Бир пайтлар дўстим, "Биз ичаётган сувларнинг қаттиқлиги 14-15 фоиз" деганида тушунмаганман. Сувда қаттиқлик нима қилади? Сув қандай қаттиқ бўлади? Бу сувни ичиш мумкин эмас экан. Термизга келган сайёҳлар Берлиндан, Париждан, Лондондан ўзларига сув олиб келишаркан. Уларда сувнинг қаттиқлиги 6-7 фоиз. Во, ажаб, бу нима дегани?! Биз қанча вақт "краннинг" суви-ку сув, ариқнинг сувига зор бўлдик-а? Кўлмакнинг сувини ичадиган жойлар йўқ эмас. Унинг қаттиқлиги қанча? Шундай пайтда қаттиқлиги 4 фоиз тоғ суви фаввора бўлиб турса. Жаҳон сувларидан ҳам аъло! Минг дардга даво ҳаёт фаввораси рўпарангизда. Ҳовлингизда! Юрагингизда!

Президентимиз ниҳоятда теран тушунган. Тоғ суви — ҳаётнинг улуғлиги, умр узоқлиги, оила соғломлиги. Пок сув — энг катта бойлик. Вужуд соғломми, руҳ соғлом. Соғлиқ — дунё-дунё бойликдир. Саломатлик — ҳаёт хазинаси. Тоғ суви — ҳаёт. Ҳаётнинг ўзи. Фавворaи сув — фавворaи ҳаётдир. Касалхонада... қанча беморлар. Бири гепатит, бири холицестит, бирида ошқозон яраси, бири... қайси бирини айтасиз, муболаға десангиз ҳам майли, 50 фоиз касалликлар ичиб келганимиз ифлос қаттиқ сувдан. Тоғ суви келди — энди соғломлар жуда кўпаяди. Ҳали бу биринчи босқич. Иккинчи босқичда сув Қизириқдан Термизгача... қанча туманларга, қанча элу халққа етиб боради. Тоғ суви бутун Сурхондарёга ҳаёт бахш этади.

Улуғ шоир Ҳамид Олимжон мисраларини кўнглингиздан ўтказсангиз:

*Тоғлардаги қип-қизил лола,*
*Бўлиб гўё ёқут пиёла.*
*Булоқлардан узатади сув,*
*Эл кўзидан қочади уйқу...*

Тоғ суви Сурхондарёга ана шундай элга қувонч бахш этиб, кўздан уйқуларни қочириб, соғломликни, шижоатни, шиддатни, ишончни олиб келяпти. Халқ бундан бениҳоя хурсанд. Қўли дуода, бу эзгу ишга, тарихий ўзгаришга ҳисса қўшганларни алқаяпти. Зеро, доно нақлларимизда айтилганидек, "Сув келтирган элда азиз", "Сув келтириш — буюк савоб". Нуронийларимиз сув узатганга "Сувдай сероб бўлинг", дейиши бежиз эмас.

...Президентимиз Сурхондарёда бўлганида яна қанчадан-қанча "Ҳаёт фавворалари" ҳақида сўзлади.

Қиш эшик қоқмоқда. Ҳаво анча совиди. "Электр" қишда қандай бўлади? Хаёлимиздан ўтади. Сурхондарёда уч йил олдин 30 мегаватт генерация мавжуд эди. Ҳозир бу 250 мегаватт. Уч йилда қарийб 10 баробар ошди. Қандай қилиб? Бўлар экан-ку. "Тўполанг" ГЭС янгиланди. "Зарчоб-1", "Зарчоб-2" ГЭСлари ишга тушди. "Зарчоб-3" ГЭС қурилиши бошланди. Яна 20 та ГЭС қурилиши имконияти бор. "Мана сизга олам-олам нур".

Бу ўйлар, фикрлар, лойиҳалар Марсдан келяптими? Йўқ. Барчаси тафаккуру изланишдан. Минглаб хонадонларда Тўполанг суви нурлари чарақлаяпти. Сув десангиз — сув, нур десангиз — нур. Электр ҳам аслида "Ҳаёт фаввораси"!

Президентимиз Бойсунда бўлди. Ҳеч кимга сир эмас, узоқ йиллар Сурхондарё узоқ воҳа, чекка вилоят, чегарадаги жой бўлди. Саноат келмади. Улкан завод ва фабрикалар қурилмади, инвесторлар ҳам эътибор қилавермади. Етти йилдирки, Сурхондарё Президент назарида. Ҳар йили бир неча бор келади. Бойсуннинг аҳволи ҳам шу. Газ кони 20 — 30 йилдан бери музлаб қолди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича тураверди. Баҳона мингта: маблағ йўқ, кадр топилмаяпти, юксак технологияли ускуналар етишмайди, ҳали вақти эмас.

Президентимиз ташаббуси билан баҳоналар четга суриб қўйилди. Муаммоларга ечим изланди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда. Бойсундаги 3 миллиард долларлик газ-кимё мажмуаси... 5 миллиард куб метр газ тозаланади, 6 триллион сўмлик табиий газ ва олтингугурт ишлаб чиқарилади. Вилоятга йилига 120 миллион долларлик экспорт тушуми қўшилади. Бу — Бойсун энди бошқача тараққий этади, дегани. Бу — минглаб иш ўринлари. Халққа даромад, пул, маблағ келади. Ҳар бир хонадонга қуёш кириб келади. Бу "ҳаёт фаввораси" эмасми!

Ташриф давомида ҳамма соҳа қамраб олинди. Шерободда калий ўғити захираларини ўзлаштириш, Сариосиёда қўрғошин, рух, олтин, оқ мармар имкониятлари, Термиз туманида Жанубий Корея билан 50 миллион долларлик логистика мажмуаси, "Омонхона"да яна битта санаторий қуриш... Барчаси таҳлилдан ўтказилди. Маблағ ажратилди. Муаммолар ечими кўрсатилди.



Айниқса, икки соҳа Сурхондарё учун жуда муҳим. Булар... Аввало, Сурхондарё қуёши. Оташи бошқача. Шоир таъбири билан айтганда, Япониядан йўлга чиққан қуёш гўё Термизга келиб бир лаҳза тин олади. Сурхондарёнинг эртаги меваси, сабзавоти, ноз-неъматлари республикада биринчи бўлиб тайёр бўлсин, дейди. Қуёшнинг нурини тўйиб симирган мевалар Тошкентнинг бозорини гуллатади, яна дунё бозорига жўнайди. Қуёшда пишган, барибир ўзгача. Шарбатнинг ҳар бир қатрасида қуёш кўриниб туради. Харидор "Сурхондарёдан келдими, қуёшда пишганми?" деб, сўрайди. Қуёшда пишган нозу неъматлар кўздан юраккача малҳаму шифодир.

Қуёшнинг яна бир хосияти: ҳосилга ҳосил қўшади. Суви жаннатий, тупроғи олтин, деҳқони меҳнаткаш, қуёши чексиз меҳрли ҳудуднинг зардолисидан шафтолисигача, олмасидан олчасигача, помидоридан пиёзигача... ҳам таъми, ҳам хирмони бошқача — мазали ва баракали бўлади. Уларни халқимизнинг дастурхонига етказиш, ортганини хорижга сотиш кони фойда. Лекин бу имкониятдан ҳар йили ҳам тўғри фойдаланилмаяпти. Гоҳ пишиб етилган пиёз, гоҳ карам, гоҳ олмаю ўрик оввора қолади. Бу борада экспорт тўла йўлга қўйилсами?! Сурхондарёга маблағ дарё-дарё бўлиб келади. Деҳқону боғбоннинг манглайидаги тер олтинга айланади.

Президентимиз 10 та туманда in vitro лабораторияларини ташкил этиш, 100 та қуритиш, саралаш ва қадоқлаш миниускуналари ҳамда 70 та кичик совиткич ўрнатилишини айтди. 100 минг гектарда ихчам иссиқхоналар ташкил қилинади. Интенсив уруғчилик ва кўчатчилик халқаро маркази бунёд қилинади. Ингичка тола пахта майдонлари кенгайтирилади...

Иккинчидан, Сурхондарё замини бағрида 3 минг йиллик, таъбир жоиз бўлса, ундан-да қадимий дунё ётибди. Бу сўнгсиз ва ўлмас, муқаддас ва мўътабар тарих Зараутсойдан "Мачай" ғоригача, Фаёзтепадан Далварзингача, Ал-Ҳаким Ат-Термизийдан Имом Термизийгача, Султон Саодатдан Кампиртепагача... санайвериб адашиб кетасиз. Улар 600 тадан кўп. Қазилаётганлари, очилаётганлари, аниқланаётганлари... янги-янги кашфиётлар. Уларни эшитиб жаҳоннинг кўзи чарақлаб кетади. Сайёҳлар оқиб келади. Дарёланиб келади.

"Далварзинтепа" ёдгорлигида очиқ осмон музейи ташкил этилмоқда. Келгусида ниҳоятда узун ғор Бойбулоқда, "Неандертал одам" суяклари топилган Тешиктош ва Мачай ғорлари ҳамда Узундара қалъасида ана шундай зиё масканлари очилади. Хатак ғори ва Зараутсой қоя тошига қадимшунос олимлар экспедициялари янгидан йўлга қўйилади. Самарқанд — Китоб — Денов — Олтинсой — Термиз маршрутлари бўйлаб "Нақшбандия пирлари" туризм ҳалқаси очилади.

Президентимиз бу борада ҳам батафсил сўзлади. Шунингдек, Сариосиёдан Тошкентга, Самарқандга фуқаро авиацияси фаолияти тикланди. Сариосиё — Тошкент йўналишида поезд қатнови бошланди.

Қайси жабҳага қарасангиз, ҳаёт фаровонлиги фаввораcини кўрасиз. Сурхондарё энди олис вилоят эмас. Ўзбекистоннинг кўнглидаги, Президентимиз нигоҳидаги воҳага айланди.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи ҳам халқимизнинг баракаи фаровонлиги йўлларини очди. Сурхондарё кун сайин, ой сайин тараққиёту ободлик сари янада илдамлаб бораверади.

**Менгнор ОЛЛОМУРОД,**
**шоир.**
Сурхондарё

---

## Барқарор ривожланиш мақсадлари:

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ИМИЖИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ОШАДИ

*Хабарингиз бор, айни пайтда юртимизда Олий Мажлис палаталари ҳамда ҳукумат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги ўтказиляпти. Бундан кўзланган асосий мақсад — БРМ соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш, бу борада ҳукуматга кўмаклашиш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, қолаверса, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар билан уйғунлигини таъминлашдан иборат.*

### Мушоҳада

Айтиш жоизки, ойлик доирасида ҳар бир миллий мақсад бўйича халқаро экспертлар иштирокида турли тадбирлар ташкил этилиб, уларда "йўл хариталари", резолюциялар, миллий мақсадлар борасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда. Жумладан, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар, ОАВ вакиллари ва экспертлар иштирокида конференция ўтказилди. Унда, асосан, "Барқарор ривожланиш учун тинч ва очиқ жамиятни тарғиб қилиш, ҳамма учун адолатни таъминлаш ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор ва иштирок этувчи муассасаларни яратишга кўмаклашиш" мавзуи кенг таҳлил қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадлари асосида миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланган бўлиб, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби дастури доирасидаги мажбуриятлар бажариб келиняпти. Масалан, бошқарув тизимини янгилаш Миллий стратегиянинг бир қисми сифатида ҳукуматнинг кенг қамровли ислоҳотлар дастурининг муҳим йўналишига айланди.

Норма ижодкорлиги сифатини ошириш мақсадида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти йўлга қўйилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши ва гендер-ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди. Сўнгги бир неча йил ичида "тартибга солувчи гильотина" усулидан фойдаланган ҳолда, ўз аҳамиятини йўқотган 4 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинди, амалдаги қонунлар 10 фоиз қисқартирилди.



Шуларга мос равишда давлат хизматлари сифати ва улардан фойдалана олишни такомиллаштириш борасида ҳам катта ишлар бажарилди. Айни чоғда Ягона интерактив давлат хизматлари портали, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди.

Давлат ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича жиддий чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Юртимизнинг юздан зиёд идора, бирлашма, бошқарма ва корхоналарида матбуот хизматлари фаолияти йўлга қўйилди, қарийб 200 та шаҳар ва туман ҳокимлигида ҳам бундай хизматлар очилди. Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлигини таъминлаш мақсадида эълон қилинадиган 35 турдан иборат ижтимоий аҳамиятга эга ахборотлар рўйхати тасдиқланди.

Ўз навбатида, коррупцияга қарши курашиш Миллий стратегиянинг асосий принципларидан бири сифатида эътироф этилди. Натижада сўнгги уч йилда Ўзбекистонда коррупция даражасини пасайтиришга қаратилган қатор ислоҳотлар рўёбга чиқарилди. 2020 йилда мамлакатимизда илк маротаба ихтисослаштирилган орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил қилинди ва у коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул этиб белгиланди.

Парламент юқори палатаси шафелигида Коррупцияга қарши курашиш кенгаши тузилди, ҳар иккала палатада ихтисослаштирилган қўмиталар фаолият юритмоқда.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни давом эттириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

"Коррупциядан холи соҳа", "Коррупциядан холи ҳудуд" каби лойиҳалар ушбу иллат хавфи юқори бўлган тармоқ ва соҳаларда, масалан, капитал қурилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш, давлат харидлари ва банк тизимида изчил олиб борилаётир.

Қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида 2021 йилда суд-ҳуқуқ тизими қонунчилик базаси янгиланди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши қонун даражасида тузилди.

Судья дахлсизлигидан маҳрум этиш ва уларнинг фаолиятига аралашиш ҳолатларини кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, судьяларни тайинлаш ва сайлашнинг янги тартибини жорий этиш орқали судьялар ва судлар мустақиллиги кафолатлари мустаҳкамланди. Шунга кўра, судья биринчи марта беш йилга, кейин ўн йилга, кейинчалик эса номуайян муддатга тайинланади.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб муҳожирликдаги ўз фуқароларини, асосан, аёллар ва болаларни кенг кўламда Ватанга қайтаришни амалга оширган давлатлардан бири бўлди. Сурия, Ироқ ва Афғонистондан 500 дан ортиқ аёл ва болалар қайтарилиб, уларнинг жамиятга қайта интеграциялашуви рағбатлантирилди. Ушбу тажриба БМТ томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси барчанинг таълим олишини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришда диний экстремизм таъсирига қаршилик кўрсатиш имконини берувчи муҳим омил бўлди.

Шу каби саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида "Барқарор ривожланиш учун тинч ва очиқ жамиятни тарғиб қилиш, ҳамма учун адолатни таъминлаш ва барча даражада самарали, ҳисобдор ва иштирок этувчи муассасаларни яратишга кўмаклашиш" масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда ушбу соҳада тегишли тавсиялар ишлаб чиқилганини айтиш жоиз.

Бу борада суд тизимининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилди ва одил судловга эришиш кафолатини кучайтириш мақсадида Олий суд томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Давлат органлари очиқлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган чоралар туфайли коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди.

Бундан ташқари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аёлларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик ҳолатларини барвақт аниқлаш учун қисқа рақамли "1259" Call-марказ тузилиб, 8 мингга яқин аёлларга ҳуқуқий-психологик ёрдам кўрсатилди. "Оилавий зўравонлик" илк бор алоҳида қилмиш сифатида баҳоланиб, уни содир этган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик нормалари белгиланди.

Шу ва бошқа чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги ошаётгани диққатга сазовор. Буни "regulation.gov.uz" порталига қўйилган 21 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича фуқаролар томонидан салкам 62 мингта таклифлар келиб тушгани мисолида ҳам кўрса бўлади.

Умуман, Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларимиз туфайли халқимизга муносиб яшаш ва ишлаш учун шароит яратилади ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижи янада мустаҳкамланади, инвестициявий жозибадорлиги ошади.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

РЕКЛАМА

**Акциядорлик тижорат «АЛОҚАБАНК» акциядорлари диққатига!**

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ХАБАРНОМА (масофадан)**

Сизни 2023 йил 20 декабрь куни соат 10:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz орқали бўлиб ўтадиган "Алоқабанк" АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига таклиф этамиз.

**Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

**1.** "Алоқабанк" АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

**2.** "Алоқабанк" АТБнинг илгари рўйхатдан ўтказилган "Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига ўзгартиришлар киритиш ва илгари рўйхатдан ўтказилган "Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш тўғрисида;

**3.** "Алоқабанк" АТБ акциядорларининг кейинги йиллик умумий йиғилишигача аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш.

"Алоқабанк" АТБ Кузатув кенгашининг 2023 йил 24 ноябрдаги йиғилиши қарорига асосан Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: **2023 йил 24 ноябрь**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2023 йил 14 декабрь**.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (http://evote.uz) фойдаланган ҳолда 2023 йил 20 декабрь соат соат 10:00 дан бошланиб, 11:00 да тўхтатилади.

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан банкнинг www.aloqabank.uz корпоратив веб-сайти, http://evote.uz электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки info@aloqabank.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин. Маълумот учун телефон: 71-232-83-67.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми —3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6